

Ю 25792
0

Баҳром Умиров

ЧОРЛАБ ТУРАР НАРГИЗ
КЎЗЛАРИНГ

Ю 25792
0




2000A-3088

Баҳром Умиров

ЧОРЛАБ ТУРАР НАРГИЗ КЎЗЛАРИНГ

Шеърлар ва ғазаллар



Тошкент
«Ёзувчи» нашриёти

Б. Умиrovнинг шеърлари асосан муҳаббат мавзу-
сида. Назаримизда, ҳижрон дарди, севги изтироблари,
ёр васлини шоир гўзал сатрлар билан куйлашга ин-
тилган. Узининг ҳаётий хулосаларидан чиқарган ўғит-
ларини шеърӣй ифода этишга ҳаракат қилган.

POPLAB TYPAR NARTING
KUZDARINING

ИЗДАТЕЛЬСТВО «ЕЗУВЧИ»

У $\frac{4702620201-07}{M362(04)-2000}$ қатъий буюртма—2000

ISBN 5-8255-0656-X

© Баҳром Умиров,
«Езувчи» нашриёти, 2000 й.

2000
Λ O'zb. Res. DK
3088

10 25792
0

ЭЪТИҚОДИМ — МАТЛАБИМ

Сизга айтсам, бу ҳаётда
Бошга тушди не савдолар.
Гоҳ маломат ичра қолдим,
Гоҳ қувончда яшадим.

Туғилган шу юртим, шу қутлуғ даргоҳ
Унга жонимни-да этгум мен фидо.
Тинч бўлсин Ватаним, дегайман доим —
Сен учун тайёрман бўлсам-да адо.

Ғамга тўла тун даҳшатини,
Шеър ила енголдим бари-барини.
Бироқ унутмадим, қайғули ўша
Фароғатим олган энг қийин дамни.

* * *

Ҳаётга тик, ҳалол боқиб доимо,
Меҳнаткаш халқим-ла бирга яшарман.
Эътиқодим матлабимдан чекинмай,
Муруввату маърифат-ла яшарман.

ЯШНАБ КЕЛДИ ГУЛБАҲОР

«Яшнаб келди гулбаҳор,

Эриб битди ошпоқ қор».

Тулиб оқиб сой-анҳор,

Шалола айтиб ёр-ёр.

Яшнаб келди гулбаҳор.

Бодом гули саҳарлаб,

Қувонч билаи очиб лаб,

Юртга омонлик тилаб,

Яшнаб келди гулбаҳор.

Шодлигин хўп сарафроз,

Лола гули айлаб ноз,

Қирга тўшаб поёндоз,

Яшнаб келди гулбаҳор.

Боглар ясаниб гулгун,

Барчани этиб мафтун,

Гул базмини қуриш-чун,

Яшнаб келди гулбаҳор,

Булбул қилар тараннум,

Эл юзида табассум,

Эсиб роҳатбахш насим,

Яшнаб келди гулбаҳор.

Дала—дастурхон мисол,

Деҳқонни айлаб хушҳол,

Ёр бўлсин дея иқбол,

Яшнаб келди гулбаҳор.

Тонг саҳар чиқиб мен катта, кенг йўлга,
 Шу йўлдан ўтар деб кўзим узмасам,
 Мусаффо борлиққа боқиб ушбу дам,
 Тиниқ бир жозиба, маъно излавам,
 Бу сени севганим эмасми, санам?

Келганда тутқазсам, дея қўлига,
 Гулдаста тузасам гуллардан узиб,
 Ўтли қарашларинг тушиб ёдимга,
 Шеърдан ҳадя этсам бир шода тизиб,
 Бу сени севганим эмасми, санам?

МАКТУБ

Туилари сен томон талпинур хаёл,
 Сенинг орзуйингда —ишон, азизам.
 Илоҳий бахт излаб бўлдим гадойинг,
 Дилимни хўрлади узоқ йиллик гам.

Оҳ урсам тоғлардан келар акс-садо,
 Ҳолимни кўрган дер ишқи бедаво.
 Рост, санам, дардингда мисли мажнуинман,
 Ноламга жўр бўлар «Дугоҳ»у «Сегоҳ».

Шу бахтсиз кунларда сенга шеър ёзиб,
 Фироқингда ёнган шоҳсуворингман,
 Севги қасидасин минг бора ўқиб,
 Бир бор меҳр кутган ташназорингман.

ЯХШИ

Фарзанд бўлса одоблиси, дилбеозори яхши,
Юртинг обод этсаю қилса бир чаманзор яхши.

Ҳофизу созандадан куй, қўшиқ, истаса кўнгил,
Қалбни сеҳрлагувчи куйнинг ёр-ёри яхши.

Дилда кир ниёт билан, ғайри ошно бўлса ким,
Ундай дўстга дил бермаган йигитлик ори яхши.

Кўз нуримиз, қалб қўримиз деяр элим шод, хурсанд,
Замин ости уммонимиз — олов зангори яхши.

Юртимиз тинч, боғлар гўзал, бунёдкордир элимиз,
Тасаддуғнинг бўлай, халқим, тинчлик шиоринг яхши.

Шул сабаб, юрт узра кезгай доимо мангу баҳор,
Баҳром куйлар юракдан, бўлмаса зори яхши.

* * *

Дилим дилиннга, дилдор, ҳар дам оҳанграбодир,
Гул-гунчадек ҳуснингга меҳрим ҳам жо-бажодир.

Шўху дилкаш қарашинг мафтун этиб доимо
Кетиб сабру тоқатим бу жисмим беқарордир.

Васлинг куйида санам, изтироб чекиб тун-кун,
Шоир ошиқ, йўлингга ғариб мажнуннамодир.

Раҳминг келиб бир бора юзингдан нур таратсанг,
Ушал нури малҳаминг Баҳромингга даводир.



Ғариб дилни шод этарга мутриби соз яхшидур,
Ишқ сурасин куйламоққа шўхи мумтоз яхшидур.

Ҳижрон ўтида э воҳ, изтироб чекиб зор-зор,
Интизор дамларда бир бор дилдаги роз яхшидур.

Ёрга изҳори кўнгил айларга қилсанг қарор,
Юзларингда ибою нигоҳингда ноз яхшидур.

Висол онларини бир интизор этсанг, дилдор,
Бўлса баҳор, турфа гул очилса, қийғос, яхшидур.

Шул Ватан — гўзал диёр оғушида ўсдинг Баҳром,
Қалбга жо айлаб меҳрини, қилмоқ эъзоз яхшидур.



Юртга бахт-саодат тилаб, меҳнатинг жисму жон этгин,
Боғ яратиб яшнатмоқни дилдан мўлжал — нишон этгин.

Олий муддао бирла бел боғласанг улуг ишга,
Сабот бирла сарф эт кучинг, ўзингни имтиҳон этгин.

Қаллобга берма асло дил, юрак-бағрингни қон айлар,
Аларга синчков қара, ҳар мужгонинг камон этгин.

Юксакка айласанг парвоз, гар лаҳзалар қанотида,
Куйлаб жондан, ашъор тизиб элиннга армуғон этгин.

* * *

Соғиниб сени, санам, яна кўргали келдим,
Жоним, бугун ҳолингдан хабар сўргали келдим.

Бир кун сени кўрмасам, минг йил бўлиб туюлмай,
Тонг-ла сенга ошиқиб суҳбат қургали келдим.

Тун сўёҳига монанд қора сочингни эслаб,
Қўш чекканга зеб берган зулфинг кўргали келдим.

Зинҳор ўйлама, «ҳусним мадҳ этгали келган», деб,
Боғлаб дилинга дилим, ошён қургали келдим.

Қўймай ҳоли-жонингга энди сени, эй дилбар,
Баҳром бўлиб, сени ёринг бўлгани келдим.

* * *

Дилдор меҳмонинг бўлса, энг ширин онинг шудир,
Лаҳзалик ором берувчи шўху жонинг шудир.

Дилга малҳам бахш этар зеболаниб кулса агар,
Яшнагайсан барқ уриб шоду хандонинг шудир.

Ранжитиб қўйма уни, бўлгин доим яхши хулқ,
Чехрасидан нур ёғилган жону жонинг шудир.

Ҳусни нури ёритар кўнглинг чароғон этиб,
Баҳрамо фахр этсанг арзир, моҳи табонинг шудир.

* * *

Қалбни асир айлайсан кўзинга боққанимда,
Бор дунёни унутгум нозинга боққанимда.

Фароғатим бўлмас ҳеч, ҳар кун сени кўрмасам,
Кўргум ҳар вақт гул, райҳон, изинга боққанимда.

Чехраиғ очилиб боқсанг, эй зехни доногинам,
Қувончга тўлгум обдон юзинга боққанимда.

Не-бахт эди Баҳромга насиб этса висолинг,
Шеър недур, ёзгум дoston, ўзинга боққанимда.

* * *

Азизам, гўзалликда сурати жононсан манга,
Сўзларинг қанду асалдир, ширин забонсан манга.

Узолмасман кўзларим, сенинг ҳуснинга боқиб,
Сен кўзимнинг нурию сарви хиромонсан манга.

Васфингни назм этмоққа олсам илкимга қалам,
Жилваси тенгсиз сарвиноз шўҳи замонсан манга.

Баҳроминг қалбни чоғ этиб, ҳурмат айласанг доим,
Чехрасидан нур ёққан жону жаҳонсан манга.

* * *

Сендек парсифаг қизни бир умр ёд айладим,
Эъозлаб муҳаббатинг, вафоли дилдор айладим.

Юз пари бўлса агар, алардан авлосан, санам,
Дили поку сўзи пок бебаҳо дурвор айладим.

Ҳаё, ибо, вафо дарсин олсин қизлар сендан дея,
Сенинг-ла бир дам суҳбат қурмоқни хумор айладим.

Садоқатдан бергайсан дарс не-не қизу жувоиларга,
Мадҳинг куйлай дея Баҳром қалбни жўшқин тор
айладим.

* * *

Гулдек кулган эй санам, бу пок қалбинг ародурман,
Парирўй қоматингга мен тамом маҳлиёдурман.

Ҳусн ичра яктосан, санам, дилкашу барно,
Суҳбатингга ташнаман деб ёнингда жон нисорман.

Эй санам, бир бора дилдан хуш кўрмасанг мени,
Муҳаббатинг кўйида Баҳроминг хўп адодурман.

ОГАҲИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Саодатли кун бўлмаса, айт, дуру гавҳардин на ҳаз,
Таърифга сўзинг бўлмаса, илҳоми қайнардин на ҳаз.
Ҳосили мўл бўлмаса гар, толаси зардин на ҳаз,
Моҳи рўйинг бўлмаса, хуршиди анвардин на ҳаз,
Нахли қаддинг ҳажрида сарву санобардин на ҳаз.

Гул чехрангни кўрсатиб, лолу ҳайрон этмасанг,
Бул гулистонлар аро сарви хиромон этмасанг,
Лаъли лабинг яшпатиб, ҳам гунча хандон этмасанг,
Раҳм этиб, эй санам, васлингни эҳсон этмасанг,
Ошиқу дил хасталарга шаҳру шакардин на ҳаз.

Ёмонлик қилма ҳеч кимга, бадният, ёлғон била,
Оқибат, армонда куйгунг ҳасрату афғон била,
Ўтма фойда кўчасидан сен дўсту нодон била,
Чун куйиб кетгунгдир охир юз туман армон била,
Бас Фаридун молию мулкиси Искандардин на ҳаз.

Бахту иқболинг кулиб, дил хуш очар кун бўлмаса,
Баҳром, шеър ёзмақ истасанг осуда бир тун бўлмаса,
Шеърга киши рағбати бўлмай ул мамнун бўлмаса,
Оғаҳий назминг аро дил сўзи мазмун бўлмаса,
Содда ашъоринг била девону дафтардин на ҳаз.

ТОПИШМОҚЛАР

Ўзи у оппоққина,
Патлари юмшоққина,
Тичлик истаб жаҳонда,
Учар доим осмонда.

(Қабутар)

* * *

Ларза солса ер-кўкка,
Ғазабидан чақнар олов.
Бу ниманинг овози,
Айт-чи, талабам Тилов?

(Чақмоқ)

* * *

Бордир шундай ўсимлик
Қуёш мисол ранги бор.
Удир замин фарзанди
Ҳам унинг жигарбанди.
Қуёшга қараб ўсар,
Нуридан яйраб ўсар,
Бу қай ўсимлик, Хулқар
Буми, бу . . .

(Кунгабоқар)

* * *

Бир жонивор бор ҳаётда
Исми ҳам қизиқ жуда,
Чиройли қаноти бор,
Ҳам яхши одати бор.
Ўзни қўриқлаш учун
Ўзунчоқ қуроли бор,
Ўйлаб ўқувчим Бозор
Топқирлигинг сина-чи,
Топдим, биз-чун беозор
Топдим, бу-чи, . . .

(Иначи)

* * *

У бир шундай нарсаки,
Бели боғлиқли доим.
Хизмати аъло роса,
Ҳавони асрар тоза,
Билсанг айтгин, Дилноза.

(Сулурги)

ПАНД

(Қасида)

О, фарзанд, сен менянг қалбимда абад,
Бўлдинг буткул туйгуларимнинг ганжи.
Сен-ла халосдирман дунё гамидан,
Ўзингсан, сен менга қалбим таянчи.

Эзгу ишлар доим бўлсин ҳамроҳинг,
Халққа хизмат қилиб бўлмагайсан кам.
Пўқотма йигитлик гуруру оринг,
Тангридан бахтингни тиладим, болам.

Кўксингда то абад аланга олса
Навоийнинг қалби, Нодира ақли.
Рухингда жой олса чин фидойилик,
Элдан олқини олсанг шуида сен ҳақли.

Халқинг ишончини қозонган доим,
Иймон, диёнатни асло тарк этма.
Инсоний қадрни жо айлаб дилга
Садоқатни, бурчини асло унутма.

Инсофни йўқотиб айлама хато,
Кетмагин нафсининг йўлини тутиб.
Мол-дунё ҳеч кимга қилмагай вафо,
Жон болам, сен буни қўйма унутиб.

Бабурдга сўз айтиб, мақтанма ҳеч вақт,
Манманляк йўлига кирмагин асло.
Оддий халқ ичида бўл, топгани шараф,
Ҳалол меҳнат бўлсин олий муддао.

Ҳаёт гулханида тоблангин дейман,
Диёнатли бўл, бўл соҳиб журъат.

Қувват ол юртингдан, қувват ол халқдан,
Ҳақ сўзингни ўйлаб сўзлагин фақат.

Ҳар кимга умр ҳам берилгай ҳар хил,
Биров кўп яшайди, биров эса оз.
Ҳақиқат байроғин кўтариб баланд,
Юксакка парвоз қил, топгин сен эъзоз.

Сенга айтиб берсам яшаш сурагин,
Шаънингга маломат ёғилса ҳар дам.
Илтижо айлагин тангрига фақат,
Ғамдан озод қилар у олий ҳакам.

Юртинг иқболини ўйлагин доим,
Лаҳзалар мурвати бўлсин қўлингда.
Ҳаётбахш қўшиқлар куйлагин доим,
Мўъжиза яратгин юрган йўлингда.

Жисму жонинг аро пок бўлсин виждон,
Умринг чаманида куйласин булбул.
Дўстлар меҳри бўлсин қалбинг қўрида,
Дил уйин ёритсин шу меҳр буткул.

Ҳаётда оз эмас дўстин сотганлар,
Ҳамонки қутулмас таъна сўзлардан.
Дуч келма шундайин нокасларга сен,
Олисда юр доим ёмон кўзлардан.

Даврада ўтирсанг разм сол зимдан,
Ким билан турибсан, яхшилаб қара.
Дўст бўлиб ёнингга турганлар, болам,
Фирибгар бўлмасин устаси фаранг.

Бошқалар пиширган нонни ер улар,
Англаб ол уларни қисқадир дасти.
Нафс балосидан қутулмас улар,
Жони ҳалқумига келса ҳам асти.

Гўёки абадий кулган толей,
Бу ёруғ оламдан гўё кўнгли тўқ.
Нодонга ош берар, донога оғу,
Гўё ундан ўзга ҳотамий зот йўқ.

Бировлар шаънига ёғдирар бўҳтон,
Уйдирмачиликда эса устаси фаранг.
Гўё у бегуноҳ, мусича мисол,
Асли ичи қора бибурд тасқара.

Билиб қўй, у шундай дилозор бир кас,
Яхшиларни қўймас ҳоли-зорига.
Уларни етаклаб бахтсиз йўллардан,
Олиб борар, болам, ғам бозорига.

Бундайларнинг, болам, юрак денгизи
Ҳасад суви билан тўла лиммо-лим.
Кўнглида ниш урар қора чечаклар,
Айтсам тилим йиғлар, айтмасам дилим.

Ҳаёт йўлинг олис — орзуйинг чироқ,
Шу орзу дилингда бўлсин, жону тан.
Сеникидир энди шу эркин меҳнат,
Сеникидир энди шу озод Ватан.

Ватанни яшнатмоқ юки елкангда,
Бу йўлда заҳматлар бўлади бисёр.
Қувонч ҳам бордир, изтироб ҳам кўп,
Яхшилиги, болам, сенга бўлсин ёр.

Ҳаёт қўшиғини куйла баралла,
Қаддинг тик кўрсинлар, қадаминг шахдам.
Юртда ҳур, озодсан, янги авлодсан,
Ўзингдан юртингни азиз бил ҳар дам.

Адабий-бадiiй нашр

Баҳром Умиров

ЧОРЛАБ ТУРАР НАРГИЗ КЎЗЛАРИНГ

Шеърлар ва ғазаллар

Муҳаррир *З. Пўлатова*
Мусаввир *Ю. Габзалилов*
Техник муҳаррир *Л. Пак*
Мусахҳиҳ *Ш. Жумабоева*



Териниға 2.05.2000 да берилди. Босишға 31.05.2000 да рухсат этилди. Улчами 70×90¹/₃₂. Шартли босма табоғи 0,58. Нашр табоғи 0,47. Шартнома 4—2000. Адади 1000 нусха. Буюртма № 86. Баҳоси келишилган нарҳда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг «Ёзувчи» нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.





Баҳром Умиров Қашқадарё вилоятининг Бишкент қишлоғида туғилган. У кўп йиллардан бери ижод билан шуғулланиб келади. Кейинги йилларда шoirнинг “Муаллим овози”, “Қалб қўримсиз”, “Нурлар оҳанги”, “Ўқитувчи ўғити” каби шеърӣ тўпламлари нашр этилиб, кенг китобхонлар оммасига тақдим этилди.

“Чорлаб турар нарғиз кўзларинг” номли ушбу тўпламдан шoirнинг турли мавзудаги шеърлари ўрин олган. Севимли диёрига бўлган муҳаббат, ёрга вафодорлик каби чин инсоний хислатлар Б. Умиров шеърларида ўз ифодасини топган.



YOZUVCHI